

## Нега Аллоҳ бандаларни ибодат қилишга буюрди?



14:01 / 12.11.2018 4490

**Савол: Аллоҳ ҳеч нарсага муҳтож бўлмаса, нега бандаларни ибодат қилишга буюрди?**

**Жавоб:**

**1.** Ибодатга бандаларнинг эҳтиёжи бор. Инсон бадан ва руҳдан иборат. Бадан тупроқдан бўлиб, унинг озуқаси ҳам тупроқдандир. Руҳ эса Аллоҳдан, озуқаси ҳам Аллоҳдандир. Танага озуқа берилмаса, заифлашиб, касал бўлади. Руҳга ҳам озуқаси берилмаса, хаста бўлиб қолади. Унинг озуқаси эса, ибодатдир.

**2.** Бу дунё имтиҳон бўлиб, Аллоҳ бандаларни ибодат билан синайди. Ундан ўтиш учун Аллоҳга бандалик қилиш керак. Бутун дунёдаги инсонларнинг

ҳаммаси солиҳ бўлиб қолса ҳам, ё ҳаммаси кофир бўлиб кетса ҳам, Аллоҳ учун бирон фойда ва зарари йўқ.

**3.** Ибодатга буюриш билан Аллоҳнинг Парвардигор ва Қодир зотлиги зоҳир бўлади.

***“Соғлом эътиқод - мўминга нажот” китобидан***